Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳрида доимий аҳоли сони 2432,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 8,8 минг кишига ёки 100,4 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й.[1)]	ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й.[1)]
Туғилганлар	9454	9922	468	15,9	16,6
Ўлганлар	4125	4153	28	6,9	6,9
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	193	176	-17	18,2	16,0
Табиий ўсиш	5329	5769	440	9,0	9,7
Никоҳлар	3166	2923	-243	5,3	4,9
Ажралишлар	1191	932	-259	2,0	1,6

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 9922 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (9454 киши) нисбатан 468 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 16,6 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (15,9 промилле).

Туғилиш даражасининг купайиши Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида (16,7 дан 17,5 промиллега), Яшнобод туманида (15,0 дан 15,7 промиллега) Чилонзор туманида (14,4 дан 15,1 промиллега) ва Яккасарой (10,8 дан 12,4 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 4153 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (4125 киши) нисбатан 28 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 6,9 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-мартида 6,9 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Сергели (18,8 дан 19,8 промиллега), Шайхонтохур (16,7 дан 17,5 промиллега), М.Улугбек (13,3 дан 13,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 61,0 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 12,2 фоизи - ўсма касалликларидан, 6,0 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,9 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 3,5 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

[1)] дастлабки маълумот

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 138 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 16,0 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-мартида 16,5 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 54,0 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 29,0 фоизи–нафас олиш органлари касалликларидан, 8,5 фоизи–туғма аномалиялардан ва 3,4 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартида ФҲДЁ органларида 2923 та никоҳлар ва 932 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 4,9 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида–5,3 та) ва 1,6 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида–2,0 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида Тошкент шаҳри бўйича кўчиб келганлар сони 5554 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2561 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи плюс 2993 кишига (2016 йилнинг шу даврида–плюс 169 киши) тенг бўлди.

Энг катта плюс қолдиқлар Бектемир (плюс 19,0), Сергели (плюс 10,1) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 100,2 фоизга кўпайиб, 1539,6 минг кишини ёки Тошкент шаҳри доимий аҳолисининг 63,3 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 1596 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Олмазор (204кишига), Яшнобод (185 кишига), Мирзо Улуғбек (184 кишига), Учтепа (111 кишига), Юнусобод (99 кишига), Чилонзор (90 кишига), Миробод (64 кишига) ва Яккасарой (12 кишига) туманларида камайган.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 1066 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Шайхонтохур (182 киши), Юнусобод (148 киши), Яшнобод (116 киши), Миробод (103 киши), Сергели (98 киши) ва Олмазор (87 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 614 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)

(киши бирликда)